

№ 4 МАЪРУЗА МАВЗУСИ:		Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш	
МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИ ҲАМЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ			
Маъруза учун ажратилган соат-2 соат	Маърузада иштирок этадиган талабалар сони- <u> </u> нафар		
Маъруза машғулотини режаси:	1.Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш корхоналарини юкланишини календар кунлар бўйича режалаштириш. 2.Иш режими ва вақт фондини аниқлаш. 3.Корхонани техник-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш. 4.Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш корхоналарини асосий техник кўрсатиш кўрсаткичларини аниқлаш. хник кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини таннархини ҳисоблаш		
Мавзунинг мақсади:	Таъмирлаш корхоналаридаги технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари, структураси, тўғрисида асосий тушунчалар.		
Педогогик вазифалар: 1.Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш корхоналарини юкланишини календар кунлар бўйича режалаштириш. 2.Иш режими ва вақт фондини аниқлаш. 3.Корхонани техник-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш. 4.Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш корхоналарини асосий техник кўрсатиш кўрсаткичларини аниқлаш. хник кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини таннархини ҳисоблаш		Ўқув фаолиятини натижалари: Талаба: 1.Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш корхоналарини юкланишини календар кунлар бўйича режалаштириш тўғрисида тушинчаларга эга бўлади 2.Иш режими ва вақт фондини аниқлаш бўйича тушинчаларга эга бўлади 3.Корхонани техник-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш тўғрисида тушинчаларга эга бўлади 4.Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш корхоналарини асосий техник кўрсатиш кўрсаткичларини аниқлаш. хник кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини таннархини ҳисоблаш тўғрисида тушинчаларга эга бўлади	
Маърузани ўтказиш услуби:	Мавзу мазмунидан келиб чиқиб, талабаларни тарқатма материаллардан олган билимлари асосида мунозара, баҳслар ташкил этиш, умумий хулоса чиқариш билан мақсадга эришиш.		
Техник услуби ва воситалар:	Тарқатма материаллар, видеоленталар, кадаскоп ёки компьютер техникаси.		

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИ ТЕХНОЛОГИК КАРТАСИ

Босқичлар вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-БОСҚИЧ, Кириш (10 мин.)	1.1.Маъруза мавзуси, мақсади ва белги-ланган асосий вазифалар тушинтириб ўтади.	1.1. Тинглайди, ёзиб олади.
2-БОСҚИЧ, Асосий (60 мин.)	2.1. Талабаларни ўтилатган мавзунини амалий аҳамиятини ҳамда уларни қизи-қишини орттириш мақсадида савол-жавоблар ўтказилади: 1.Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш корхоналарини юкланишини календар кунлар бўйича режалаштириш ҳақида маълумот беринг? 2.Иш режими ва вақт фондини аниқлаш ҳақида маълумот беринг? 3.Корхонани техник-иқтисодий кўрсаткичлар-ини аниқлаш ҳақида маълумот беринг? 4.Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш	2.1.Тинглайди, амалий аҳамияти ҳақида ўз фикр мулоҳазаларини билдиради. Жавоб беради ҳамда тўғри жавобни аниқлайди. 2.2.Схемалар чизиб, асосий маълумотларни ёзиб

	корхоналарини асосий техник кўрсатиш кўрсаткичларини аниқлаш.хник кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини таннархини ҳисоблаш ҳақида маълумот беринг? 2.2.Визуал материаллардан фойдалан-ган ҳолда мавзунини асосий қисмини тушинтиради: 2.3. Талабаларга асосий мавзу ҳақидаги маълумотларни ёзиб ҳамда схемаларни чизиб олишини таъкидлайди	олади. 2.3.Тушинмаган қисмлари бўйича саволлар бериб, мавзу ҳақида умумий маълумотларга эга бўлади.
3-БОСҚИЧ, Яқуний (10 мин.)	3.1. Мавзуга яқун ясайди, талабалар эътиборини асосий мавзуга қаратади. Маърузада фаол иштирок этган тала-баларни белгиланган тартиб асосида баҳолайди. 3.2.Талабаларга мустақил ишлаши учун вазифа: Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ҳақида маълумотлар тўплаш».	3.1.Тинглайди, аниқлаштиради. 3.2.Берилган топшириқни ёзиб олади.

Хизмат кўрсатиш иш ҳажми ҳисоби

Хўжаликдаги мавжуд машиналар учун меҳнат сарфи ўтказиладиган техник хизмат ва ремонтларнинг ҳар бир тури учун алоҳида-алоҳида ҳисоблаб топилади.

Ҳисоблашда қуйидаги тенглама ишлатилади:

$$T_i = T_1 \cdot N_i$$

бу ерда: T_i -i маркадаги машинани маълум турдаги хизмати учун меҳнат сарфи иши-соат ;

T_1 -i маркадаги машинани маълум турдаги хизматини бир нафари учун меъёрда белгиланган меҳнат сарфи, киши-соатда ;

N_i -i турдаги хизматлар сони.

Келтирилган формуладан фойдаланиб хўжалик техникаларига хизмат кўрсатишда сарфланадиган меҳнат сарфи миқдорларини аниқлаймиз.

Т-4А тракторига хизмат кўрсатишда сарфланадиган меҳнат сарфи

$$T_{кр} = T_i \cdot N_{кр} = 523 \cdot 1 = 523 \text{ киши.соат}$$

$$T_{жр} = T_1 \cdot N_{жр} = 320 \cdot 3 = 960 \text{ киши.соат}$$

$$T_{mx-3} = T_1 \cdot N_{3-мх} = 34,2 \cdot 5 = 171 \text{ киши.соат}$$

$$T_{mx-2} = T_1 \cdot N_{2-мх} = 5,7 \cdot 10 = 57 \text{ киши.соат}$$

$$T_{mx-1} = T_i \cdot N_{1-мх} = 1,7 \cdot 60 = 102 \text{ киши.соат}$$

$$T_{отх} = T_i \cdot N_{отх} = 16,5 \cdot 20 = 330 \text{ киши.соат}$$

Хўжаликдаги машиналарга ўтказиладиган хизматлар учун сарфланадиган жами меҳнат сарфи қуйидагича аниқланиши мумкин.

$$T_y = \sum T_{зд} + \sum T_{мру} + \sum T_{ку} (\text{киши} - \text{соат})$$

бу ерда:

$\sum T_{зд}$ - заводлар томонидан шартнома усулида бажариладиган ремонт ишлари учун сарфланган меҳнат сарфи йиғиндиси, киши-соат

$\sum T_{мру}$ -марказий ремонт устахонасида бажариладиган барча хизматлар учун меҳнат сарфлар йиғиндиси, киши-соат ;

$\sum T_{ку}$ - кўчма устахона томонидан дала шароитида ўтказиладиган ТХК ва ремонт учун меҳнат сарфлари йиғиндиси, киши-соат.

МТУ да хўжалик машина-трактор паркига ТХК ва ремонт ўтказишдан ташқари кўшимча ишлар ҳам бажарилади.

Устахона дастгохлари ременти учун меҳнат сарфи қуйидагича топилади.

$$T_{\partial m} = \frac{8}{100} \sum T_{mру} \text{ (киши соат)}$$

Деталларни тайёрлаш ва қайта тиклаш учун меҳнат сарфи қуйидагича аниқланади.

$$T_{\partial m} = \frac{6}{100} \sum T_{mру} \text{ (киши соат)}$$

Мосламалар тайёрлаш учун меҳнат сарфи қиймати қуйидагича аниқланади

$$T_{mт} = \frac{4}{100} \sum T_{mру} \text{ (киши соат)}$$

Чорвачилик машиналари ременти учун меҳнат сарфи қиймати қуйидагича аниқланади.

$$T_{чм} = \frac{8}{100} \sum T_{mру} \text{ (киши соат)}$$

Хисобга кирмаган ишлар меҳнат сарфи қиймати қуйидагича аниқланади.

$$T_{хк} = \frac{10}{100} \sum T_{mру} \text{ (киши. соат)}$$

Демак қўшимча ишлар учун меҳнат сарфи қиймати қуйидагича бўлади.

$$T_{к} = T_{\partial p} + T_{mг} + T_{чм} + T_{хк} \text{ (киши. соат)}$$

Умуман йил мобайнида МТУда бажариладиган ишлар ҳажми қуйидаги формуладан аниқланади:

$$\sum T_{mру} = T_{mру} + T_{\partial p} + T_{\partial m} + T_{mг} + T_{чм} + T_{хк} \quad \text{ёки} \quad T_{х} = T_{mру} + T_{к}$$

бу ерда:

$T_{\partial t}$, $T_{\partial p}$, $T_{mт}$, $T_{чм}$, $T_{хк}$ – деталлар тайёрлаш, мослама тайёрлаш, чорвачилик машина ва қурилмалари ременти ва бошқа режалаштирилмаган ишларни бажариш учун меҳнат сарфлари, киши-соат .

Хўжалик машина-трактор паркидаги сарфланган умумий меҳнат сарфи қиймати қуйидагича аниқланади.

$$T_{х} = \sum T_{mру} + \sum T_{з\partial} + \sum T_{ку} + T_{к}$$

бу ерда: $T_{х}$ - хўжалик бўйича йил давомида барча мавжуд машина ва механизмларни ишга яроқлилигини таъминлаш ва қўшимча зарурий ишларни бажариш учун мўлжалланган меҳнат сарфи, киши-соат.

Хўжалик учун йил давомида бажариладиган шартли ремонтлар сони:

$$W_{х} = \frac{T_{х}}{300}$$

Қишлоқ хўжалигида МТП га ТХК ва таъмирлаш тажрибасидан умумий ишлар ҳажмини қуйидагича тақсимланади

Қисмларга ажратиш, йиғиш, ростлаш ва синаш ишлари 60 %;

Машина ва деталларни ташқи ювиш- 6%;

Чилангарлик-механик ишлар- 8 % ;

Электр ёй ва газ алангаси ёрдамида пайвандлаш-7 %

Мисгарлик, темирчилик ва термик ишлари-17 % ;

Бўяш - 2 % .

Режа-графиғи тузиш ва расмийлаштириш. Хўжалик машиналарини ишга тайёргарлик коэффиценти йил давомида талаб қилинган даражада сақлаш, хўжалик ремонт манбаларини бир меъёрда иш билан таъминлаб бориш ҳамда кооперация бўйича тузилган шартномаларнинг ўз вақтида бажариш учун ҳисоблаб топилган барча техник хизмат ва ремонт ишлари йилнинг ўн икки ойига тақсимлаб ҳар ойда бажариладиган ишларни жамланиши билан режа-график тузиш билан яқунланади.

Корхона ускуналарининг номинал вақт фонди, бир сменали иш режимида ишчининг номинал вақт фондига тенг бўлади, . бошқа ҳолларда:

$$\Phi_{n,y} = \Phi_{n,i} \cdot n$$

n– сменалар сони.

Ускуналарнинг хакикий вақт фонди эса қуйидагича аниқланади:

$$\Phi_{x,y} = \Phi_{ни} K_{уск}$$

бу ерда $K_{уск}$ - ускуналардан фойдаланиш коэффициенти, 0,95...0,98 га тенг.

Таъмилаш корхоналарида бажариладиган ремонт-хизмат кўрсатиш ишларининг йиллик жами меҳнат ҳажмини аниқлангандан кейин, бу ишларни бажаришнинг йиллик календар режаси тузилади.

Йиллик календар режада корхонанинг иш ҳажми шундай тақсимланиши лозимки, бунда реомнт қилинадиган машиналарнинг тайёрлиги дала ишларининг бошланишига 20 кун қолган да таъминлансин ва мавсумийлик ҳамда иш билан таъминланиши ҳисобга олиб режаланади.

Одатда, тракторларнинг 65...80% и қиш даврида ва 20...35% га яқини ёз даврида ремонт қилинади.

Тракторларга хизмат кўрсатиш йиллик эҳтиёжининг 25..30% и қиш даврида, 70...75% и эса ёз даврида бажарилиши керак.

Пахта териш, ғалла ўриш комбайнларини ремонт қилишни йиғим-терим ишлари тугаши билан дархол бошлаб, бир меъёрда режалаш мақсадга мувофик бўлади.

Корхонанинг йиллик иш ҳажми, одатда кварталлар ёки ойлар бўйича режаланади. Режа жадвал шаклида тузилади.

Ремонт ишларини йил давомида бир меъёрда тақсимлаш мақсадида ремонт корхонасининг иш билан таъминланиш (юкланиш) графиги тузилади. Иш билан таъминланиш графиги координаталар системасида чизилади.

Таъмирлаш устахонасининг асосий фондлари, таъмирлаш таннархи, меҳнат унумдорлиги, капитал маблағларни қопланиш муддати, корхонани рентабеллик даражаси ва бу асосида лойихани иқтисодий самарадорлиги аниқланади. Аниқланган натижалар асосида лойихаланаётган устахона ва хизмат қилаётган устахона кўрсаткичлари солиштирилади.

Устахона ишлаб чиқариш фондлари қийматини аниқлаш.

Таъмирлаш корхонасининг асосий ишлаб чиқариш фонди қуйидаги формула асосида аниқланади.

$$Ca = Ci + Cж + Cm$$

бу ерда:

Сi-ишлаб чиқаришдаги иморатларнинг қиймати, сўмда;

Сж-мавжуд жихозлар баҳоси, сўмда;

Сн-баҳоси 1000 сўмдан юқори, хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган мослама ва асбоб-ускуналар қиймати сўмда.

Янги таъмирлаш устахонаси лойихаланаётганда асосий ишлаб чиқариш фонди қийматлари қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$Ci = Ci \cdot Fn$$

бу ерда:

Сi-ўртача бир м² юзага тўғри келган ишлаб чиқариш воситалари қиймати, сўмда;

Fn-ишлаб чиқариш майдони ҳажми, м².

Ўрнатилган жихозлар, мосламалар, дастгоҳлар, асбоб-ускуналар нархлари қуйидагича аниқланади:

$$Cж = Cж \cdot Fn \quad Cm = Cm \cdot Fn$$

бу ерда:

Сж;См-ишлаб чиқариш майдонининг бир м² юзасига тўғри келадиган жихоз, мослама ва асбоб ускуналарнинг дастлабки қиймати, сўм/м².

Ушбу кўрсаткичлар қиймати хўжалик марказий таъмирлаш устахоналари учун қуйидагича бўлади

$$C_{и}=21000 \text{ сўм/м}^2; C_{ж}=225 \text{ сўм/м}^2; C_{м}=75 \text{ сўм/м}^2.$$

МТУ да бажариладиган таъмирлаш таннархини режалаштириш.

Хўжалик марказий таъмирлаш устахоналари ўз махсулотларини ташқарига сотмайди. Шунинг учун улар томонидан бажариладиган ишлар таннархини аниқлашда шу ишлар учун кетган бевосита сарфлар, ҳамда умум ишлаб чиқариш сарфлар ҳисобга олинади. Бунда таннархни ҳар бир мар-кадаги машина, техник хизмат ёки таъмирлаш тури учун алоҳида-алоҳида ҳисоблаш мумкин. Ҳисоблашларда унча катта аниқлик талаб қилинмагани учун келтирилган таъмирлаш бирлиги учун таннархни аниқлаш тавсия этилади. Бунинг учун бажариладиган жами меҳнат сарфини ТТЗ-100 тракторининг жорий таъмири бирлигига келтирилади ва йириклашган таннарх қуйидаги тенглама ёрдамида аниқланади

$$C_{тн}=C_{иш}+C_{эк}+C_{рм}+C_{ус}$$

бу ерда:

$C_{иш}$ -иш ҳаққи, сўм;

$C_{эк}$ -эҳтиёт қисмлар сотиб олиш ва бошқа корхоналар хизмати сарфи, сўм;

$C_{рм}$ - ремонт материаллари сарфи, сўм;

$C_{ус}$ - умумий ишлаб чиқариш сарфлари, сўм.

Устама сарф ТТЗ тракторларининг жорий таъмири учун қуйидагича берилган $C_{ус}=0.65 \cdot C_{тн}$. Агар бу жорий таъмирлаш қимматини ўз ўрнига қўйсақ таннарх қуйидагича бўлади:

$$C_{тн}(ттз) = \frac{1}{0,35} (C_{иш} + C_{эх} + C_{рм})$$

Ишчиларнинг умумий иш ҳаққи

$$C_{иш} = C_{ах} + C_{ски} + C_{с}$$

Бу ерда:

$C_{ах}$ -ишчиларнинг асосий иш ҳаққи;

$C_{ски}$ -ишчиларнинг қўшимча иш ҳаққи (асосийга нисбатан 8-10% олинади);

$C_{с}$ -социал суғуртма учун ажратма, асосий ва қўшимча иш ҳаққининг 4.4 % ташкил қилади.

$$C_{ах} = 0,01 \cdot T_{ттз-100}^{жор} \cdot C_{ур} \cdot K_k$$

бу ерда:

$T_{ттз-100}$ - ТТЗ-100 тракторининг жорий ремонт учун белгиланган меҳнат сарфи, киши-соатда;

$C_{ур}$ - машина ремонтда катнашувчиларнинг ўртача иш разряди учун тўланадиган ҳақ, сўмда;

$K_k=1.025-1.03$ - белгиланган иш вақтидан ортикча ишлагани учун тўланадиган қўшимча ҳақни ҳисобга олувчи коэффициент.

$$C_{ур} = \frac{C_1 \cdot P_1 + C_2 \cdot P_2 + \dots + C_6 \cdot P_6}{P_1 + P_2 + \dots + P_6}$$

бу ерда:

$P_1; P_2; \dots; P_6$ - МРУ да ишловчи биринчи, иккинчи, учунчи, ўртинчи, бешинчи, олтинчи разрядли ишчилар сони;

C_1, C_2, \dots, C_6 - ҳар бир разрядли ишчини бир соати учун белгиланган иш ҳаққи;

МРУ да бажариладиган иш турлари учун керакли бўлган асосий ва ёрдамчи ишчилар малакаси 1 жадвалда келтирилган.

МТУ да ишловчи асосий ва ёрдамчи ишчиларни малакалари бўйича тақсимлаш

Разряд (малака) номерлари	1	2	3	4	5	6
Разрядларни тақсимланиши, %	4	9	36	41	7	3
Ҳисоб бўйича ҳар бир разряддаги ишчилар сони						
Ҳар бир разряд бўйича қабул қилинган ишчилар сони						
Тариф бўйича разрядларга тўланадиган иш ҳаққи, сўмда	73	79,5	86,4	95,5	112	125

Бу жаadwalни учунчи қаторини тўлгазиш учун 1-разрядли ишчилар сони $P_1=4/100 \cdot P_{руй}$ бўлади. Бошқа разрядли ишчилар сони ҳам шу усулда аниқланиб 3-қатор тўлгазилади. 4-қаторни тўлгазиш учун 3-қатор сонлари йиғиндиси ҳар хил бутун сони ҳолига келтирилиши керак.

Таъмирлаш таннархини ташкил қилувчи бошқа кўрсаткичлар ТТЗ трактори жорий таъмири учун қуйдагича белгиланади.

$$C_{эк}=120000 \text{ сўм} \quad C_{рм}=15200 \text{ сўм}$$

Юқорида берилган қийматлар асосида ва берилган тенгламалар ёрдамида ТТЗ-100 тракторининг жорий таъмири таннархи режалаштирилади.

Ҳисоблаб топилган жорий тоаъмирлаш таннархи лимит бўйича кўрсатилган таннарх билан солиштирилиб, ишлаб чиқилган лойихага баҳо берилади. Масалан, ТТЗ тракторларининг хўжалик шароитида жорий таъмирлаш 63000 сўм атрофида бўлиши керак.

Лойихани асосий техник иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш.

1) Устахона томонидан бир йилда бажариладиган иш ҳажми:

а) шартли таъмирлашда

$$W = \frac{T_{мру}}{300}$$

б) ТТЗ-100 трактори жорий таъмирга келтирилган таъмирлашлар сони

$$W_{кке} = \frac{T_{мру}}{170}$$

2) МРУ томонидан йил давомида ишлаб чиқилган маҳсулот ҳажми, сўмда

$$П_{кел} = W_{кке} \cdot C_{тн}$$

3) МРУ нинг 1 метр квадрат фойдали майдонида ишлаб чиқилган маҳсулот, сўм/м²

$$П_F = \frac{П}{F}$$

Бунда : F - МРУ фойдали майдонининг юзаси, м²

4) МТУ да ишловчи битта ишчи сонидан йил давомида ишлаб чиқиладиган маҳсулот қиймати, сўмда;

$$П_{ишчи} = \frac{П}{P_{руй}}$$

5) МТУ томонидан олинган йиллик иқтисодий самара

$$Й_{и-} = (B_{ТТЗ-80}^{й} C_{ТТЗ-80}^{ЖР} - C_{ТН}^{ТТ-80}) \cdot W_{кке}$$

бу ерда:

$B_{ТТЗ-80}^{й}$ - ТТЗ-80 тракторига режалаштирилган йиллик иш ҳажми, мото соат;

$C_{ТТЗ-80}^{ЖР}$ $C_{ТТЗ-80}^{ЖР}$ ТТЗ-80 тракторининг бир мото-соат давомида бажарган иши учун ажратиладиган маблағ, сўмда.

6) МТУ қурилиши ва жихозланиши учун бўлган сарфларни қопланиш муддати норма бўйича 7 йил

$$K_B = \frac{C_a}{I_n}$$

Таъмирлаш корхоналарининг иш фаолиятини баҳолаш учун техника-иқтисодий кўрсаткичлар деб аталадиган сон кўрсаткичларидан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар ремонт корхоналарида режалаштирилган ёки ўтказилган ташкилий ва техникавий тадбирларнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш, бир ремонт корхонаси иш фаолиятини бошқа корхона фаолияти билан солиштиришига имкон беради. Ремонт корхонаси фаолиятининг энг муҳими техник-иқтисодий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

1) ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот

$$Y_m = T_n * H$$

Бу ерда T_n – маҳсулотнинг сех таннархи, сўм;

H – корxonанинг йиллик дастури, шартли ёки келтирилган ремонтлар сони.

2) йиллик иқтисодий фойда, маҳсулотнинг сотиш баҳоси ва таннархи ўртасидаги фарқли ремонтлар сонига кўпайтириб топилиши мумкин.

$$I_\phi = (C_n - T_n) * H$$

3) бу ерда C_n, T_n - **мос равишда маҳсулотни сотиш баҳоси ва таннархи.**

4) фондларнинг қайтарилиш коэффициенти

$$K_\phi = \frac{Y_m}{C_a}, \text{ сўм/сўм}$$

C_a - асосий фондларнинг баланс қиймати. Сўм;

5) меҳнатни техника билан қуролланганлик даражаси:

$$K_b = \frac{C_a}{P_{u.c.}}, \text{ сўм/киши};$$

$P_{u.c.}$ – ишлаб чиқариш ишчиларининг руйхатдаги сони.

6) корхона ишлаб чиқариш майдонининг 1 м^2 га тўғри келадиган маҳсулот миқдори:

$$K_\phi = \frac{Y_m}{F_{u.c.}}, \text{ сўм/м}^2$$

$F_{u.c.}$ - корxonанинг ишлаб чиқариш майдони, м^2

7) меҳнат унумдорлиги – ҳар бир ишлаб чиқариш ишчиси бажарган ўртача иш ҳажми.

$$M_y = \frac{Y_m}{P_{u.c.}}, \text{ сўм/киши}$$

1) капитал маблағларни (сарфланган) қопланиш муддати

$$K_M = \frac{C_a}{I_\phi}, \text{ йил.}$$

Таннарх деб корxonанинг ишлаб чиқарган маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларига айтилади. Ремонт корxonасининг ишлаб чиқарадиган маҳсулотларига ремонт қилинган машина, агрегат, тикланган ёки тайёрланган деталлар киради.

Ремонт объектининг таннархини аниқлаш учун сарфланадиган Ҳамма харажатларни ҳисоблаб чиқиш лозим. Машиналарни ремонт қилиш таннархи (сўмларда) бевосита харажатлар ва қўшимча харажатлардан ташкил топган бўлади:

$$T_n = B + K$$

Бу ерда T_n – машина (агрегат) нинг ремонт қилиш таннархи, сўм;

B – бевосита харажатлар;

K - қўшимча (билвосита) харажатлар.

Бевосита ва қўшимча харажатлар

Бевосита харажатлар деганда мазкур машинанинг ремонт қилиш учун бевосита (тўғридан-тўғри) сарфланадиган харажатлар учун миқдорини аниқлаш мумкин.

Бевосита харажатлар жумласига қуйидагилар киради:

1. ишлаб чиқариш ишчиларига тўланадиган иш ҳақи (I_x);
2. иш ҳақиға қўшиладиган ижтимоий суғурта суммаси (I_k);
3. ремонт материалларини сотиб олиш (M_p);
4. технологик ёнилғи нархи (P_e);
5. электрик энергияси баҳоси (\mathcal{E}_c);
7. ехтиёт қисмлар, узеллар ва агрегатларни сотиб олиш (\mathcal{E}_k);
8. четда ремонт қилинган двигателлар, узеллар ва агрегатларга тўланадиган ҳақ ($\mathcal{E}_ч$).

Шундай қилиб, бевосита харажатларни қуйидаги тенгликдан аниқлаш мумкин:

$$B = I_n + I_c + M_p + P_e + \mathcal{E}_c + \mathcal{E}_k + \mathcal{E}_ч$$

Қўшимча харажатлар дейилганда шундай харажатлар тушуниладики, уларни бевосита мазкур машинанинг ремонтга ҳисоблаб бўлмайди, умуман ремонт ишлаб чиқаришини таъминлашга хизмат қилади. Бундай харажатларга сеҳларнинг қўшимча харажатлари ($K_{цх}$), умум завод харажатлари ($K_{зх}$), ишлаб чиқаришдан ташқари харажатлари (K_T) дан иборат бўлиб, қуйидаги тенгламадан аниқланади:

$$K = K_{цх} + K_{зх} + K_T$$

Цех қўшимча харажатлари қуйидаги харажатлардан ташкил топади: ускуналар, мосламалар ва асбобларни амортизация қилиш ва ремонт қилишга, электр энергияга (технологик эхтиёжлардан бошқаси), газ, буғ, сув, ёқилғи материаллар, сеҳ биноларини амортизация қилиш ва жорий ремонт харажатларидан, ёрдамчи ишчиларга тўланадиган асосий ва қўшимча иш ҳақи, ижтимоий суғурта бўйича тўланадиган иш ҳақи харажатлари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича харажатлар.

Умумзавод қўшимча харажатлари завод бошқармаси ходимларининг иш ҳақи ва унга қўшиб ёзилган пул мукофотлардан, бинолар (омборлар, лабораториялар) ва хўжалик ишларига ишлатиладиган инвентарларнинг амортизацияси, жорий ремонт харажатлари идора, почта-телеграф ва телефон, хизмат сафари, енгил транспортдан фойдаланиш, кадрлар тайёрлаш харажатлари ва бошқалардан ташкил топади.

Ишлаб чиқаришдан ташқари қўшимча сарфлар ремонт қилинган объектларни упаковка қилиш ва жунатиш, алмаштириш пунктлари хизматиға, техникавий пропаганда ва ҳоказолар учун тўланадиган ҳақлардан иборат бўлади.

Таянч тушунчалар: таъмирлаш корхоналари, технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари, ишлаб чиқариш жараёнларининг структураси, уни ташкиллаштириш, унга қўйиладиган талаблар, ишлаб чиқариш структураси.

Мавзу бўйича тақрорлашга оид синов саволлари:

1. Таъмирлаш, технологик жараён, технология, детални тиклаш, ишга қобилиятлилиқ, жорий таъмирлаш, капитал таъмирлашларга таъриф беринг ?
2. Машиналарни таъмирлаш усулларини туркумланг?
3. Эғали ва эғасиз таъмирлашларни қандай тушунаси?
4. Таъмирлашнинг агрегат усулини моҳияти нимада?
5. Тракторларни таъмирлаш технологик жараёни схемасини таҳлил қилинг.
6. Ишлаб чиқариш жараёнининг структурасини таҳлил қилинг?
7. Ишлаб чиқариш жараёнининг қандай фазаларини биласиз?
8. Ишлаб чиқаришнинг хусусий жараёнларини асосий белгилари қандай?
9. Технологик операциянинг технологик жараёндан фарқи нимада?
10. Технологик ва ёрдамчи операциялар қандай туркумланади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каменицер С. И др. Организация и планирование промышленных предприятий. – М., 1967.
2. Левитский И.С. Организация ремонта и проектирование сельскохозяйственных ремонтных предприятий. –М.: Колос, 1969.
3. Петров Ю.Н. и др. Основы ремонта машин. – М.: Колос, 1972.